

## Назарий ва қурилиш механикаси



### **“Назарий ва қурилиш механикаси” кафедраси мудири,**

техника фанлари доктори, профессор, ЎзРФА академиги

Мирсаидов Мирзиёд

Тел. : +99871-237-09-81

Email: [m.mirsaidov@tiame.uz](mailto:m.mirsaidov@tiame.uz)

Институтнинг "Қурилиш механикаси" кафедраси 1920 йилда ташкил топган. Бу кафедрага 2004 йилда «Назарий механика» кафедраси қўшиб берилган бўлиб, шундан бери кафедра «Назарий ва қурилиш механикаси» деб номланиб келмоқда. «Қурилиш механикаси» кафедраси ташкил топганидан кейин бу кафедрада қишлоқ ва сув хўжалиги инженерлари учун 3 та фандан (яъни материаллар қаршилиги, қурилиш механикаси ва эластиклик назарияси) фанларидан дарс олиб борилган. Қурилиш механикаси кафедрасига биринчи бўлиб, кўприklar қурилиши бўйича юқори малакали мутахассис, 1911 йилда Петербургдаги темир йўллар институтини тугатган, темир йўл муҳандиси Жуваль Казимир Францевич мудирлик қилган. Жуваль Казимир Францевич чуқур билимга ва бой тажрибага эга бўлиб, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси фанларидан мукамал маърузалар ўқиган. Унга 1933 йилда профессор унвони берилган. 1924-1932 йилларда ишлаб чиқаришда қурилиш механикаси ва темир бетон конструкциялари бўйича бой тажриба орттирган, Ленинграднинг темир йўллар институтини 1924 йилда тугатган ёш мутахассис Семён Макарович Суханов бошқарган. У киши очик кўнгиллиги туфайли талабалар билан тез тил топишиб, ўқиган маърузаларини тушунарли ва қизиқарли ўтар эди. Уни таниган одамлар ва шогирдлари ҳозиргача С. М. Сухановни ўзларининг сеvimли устози ва яқин дўсти сифатида эслайдилар. 1932-1946 йилларда темир йўл қурилиши муҳандиси Константин Трофимович Венедиктов "Қурилиш механикаси" кафедрасига мудирлик қилган. Унинг ўқитувчилик фаолияти 1932 йилда Ўрта Осиё саноат институтида «Қурилиш механикаси» фанидан дарс беришдан бошланган бўлиб, кейинчалик эса Тошкент ирригация институтида "Қурилиш механикаси» кафедрасини бошқарган. У киши 1948 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олган. К.Т. Венедиктов профессор С. М. Сухановнинг педагогик аънаналарини давом эттириб, унинг ўқиган маърузалари ҳам ўзининг тушунарлилиги, мантиқлилиги ва аниқлилиги билан ажралиб турган. 1959-1976 йилларда доцент Иван Игнатьевич Грибанов кафедранинг тўртинчи раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. Унинг раҳбарлигида "Қурилиш механикаси" кафедраси ўз тараққиётини давом эттирди. Бу даврда ўқитувчилар сони ортиб, иш сифати яхшиланди, дарслар мазмуни анча чуқурлашган. Иван Игнатьевич кафедра қошида материалларни синаш лабораториясини ташкил этишга кўп куч сарфлади. У кишининг ғайрати туфайли кафедра

жамоасининг илмий ишлари жонланган ва ўқув жараёни яхшиланган.

1976-1980 йилларда кафедрага доцент Владимир Николаевич Фролов мудирлик қилган. У 1958 йили Тошкент темир йўл транспорти институтини тамомлаб, ишлаб чиқаришда анча амалий тажриба орттирган инженер эди. У 1961 йилда кафедрага ассистент лавозимига ишга келган. Тез орада И.И.Грибанов бошчилигида илмий иш бошлаб, 1968 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришган. 1980-1991 йилларда доцент Абдулла Остонович Қурбонов кафедрага мудирлик қилган. У 1970 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Гидромелиорация факультетини тугатиб, кафедрада ассистент лавозимида ишга қолдирилган. 1973-1975 йилларда Собик Иттифоқ "ВОДГЕО"- Бутуниттифоқ илмий текшириш институтининг "Гидротехника иншоотлари" лабораториясида аспирантурани ўтаган. А. О. Қурбонов кафедранинг методик ишларини, ходимларнинг иш шароитини яхшилаш йўлида кўп ишларни амалга оширган. "Назарий механика" кафедраси эса институтда 1946 йилда ташкил қилинган бўлиб, бу кафедрага 1949 йилгача доц. Н.А.Саларов, 1949-1968 йилларда М.Г.Клебанский, 1968-1978 йилларда доцент Д.Г.Мавлонова, 1978-1989 йилларда доцент Л.И.Толипова, У.Мамбетов, 1989 - 1997 йилларда эса профессор Қ.Латипов ва 1997-2000 йилларда профессор Ғ.Ш.Зокировлар раҳбарлик қилишган. 2000-2004 йилларда «Назарий механикаси» кафедрасига доцент Қ.Хусанов мудирлик қилган. 1991 йилда "Қурилиш механикаси" кафедрасига техника фанлари доктори, профессор Мирсаидов Мирзиёд Мирсаидович мудир этиб сайланиб, то ҳозирги кунгача «Назарий ва қурилиш механикаси» кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда.

М.Мирсаидов 1971 йилда Тошкент политехника институтини инженер-механик ихтисослиги, 1986 йилда Тошкент Давлат университетини математика ихтисослиги бўйича тугатган. 1971 йилда ўзининг меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институтида муҳандислик лавозимидан бошлаб, лаборатория мудир лавозимигача бўлган босқичларни босиб ўтган. 1973-1976 йилларда Москва электрон машинасозлик институтининг «Механика» кафедрасида аспирантурада ўқиб, шу институт қошидаги Илмий кенгашда 1976 йилда "Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси" ихтисослиги бўйича физика-математика фанлари бўйича илмий даража олиши учун номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1986 йилда шу ихтисослик бўйича Собик Иттифоқ фанлари Академиясининг Сибирь бўлими (Новосибирск ш.) Президиуми қошидаги Илмий Кенгашда техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ёқлаган. 1991 йилда профессор унвонини олган. М.Мирсаидов 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА академиги этиб сайланган. М.Мирсаидов "Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси" ва "Иншоотлар динамикаси" соҳаларининг назарияси ва амалиётига салмоқли ҳисса қўшган ўз илмий мактабига эга бўлган таниқли олимлардан бири ҳисобланади. М.Мирсаидов ва шогирдлари томонидан "Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси" ва "Гидротехника иншоотлар динамикаси" йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар, ишлаб чиқилган назария ва услублар механика фанида катта илмий аҳамиятга эга бўлган кўп истиқболли янги илмий йўналишларнинг асосини ташкил қилади. М.Мирсаидовнинг илмий раҳбарлигида 14 та фан номзоди, 3 та фан доктори тайёрланган ва улар ҳозирги кунда Республикамизнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. «Назарий ва қурилиш механикаси» кафедраси ўқитувчилари томонидан давлат бюджети ва грантлар асосида (фундаментал тадқиқотлар: № КХ-4ФТ-02- 2007-2011 йй.; № КХФ-4-001-2012-2016 йй.; амалий тадқиқотлар: №А-5-098-2006-2008 йй.; № ХА-15-033-2009-2011 йй.; ХА-3-008-2015 - 2015-2017 йй., КХ-А-КХ-2018-294-2018-2020 йй.) бўйича доимий равишда илмий ишлар бажарилиб келинмоқда. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кафедра қошида "Механика ва математик моделлаштириш" бакалавриатура йўналиши бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бошланди.

Кафедранинг шу даражага етишида, яъни мустақил Республикамиз учун етук инженер, бакалавр ва магистр кадрларни тайёрлашда кафедрада узоқ вақтлар давомида қуйидаги ўқитувчилар, яъни

профессор В.Н.Пунагин ва доцентлар А.М.Годованников, В.Н.Фролов, К.Ю.Юсупов, В.Н.Манин, Д.Г.Мавлонова, Л.И.Боймуродова, М.Каримова, Б. Атажанов, И.Шульгина, Н.В.Хасановалар, катта ўқитувчилар А.А.Толкодубова, Л.И.Осипова, Л.Х. Мамашева, Ф.М.Гайнулина, Н.П. Кузьмина, К.И.Малышев, Г.В.Броун, М.Р. Мансурова, Ф.Зияевлар ва ассистентлар Т. П. Котова, И.А.Шаль фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишганини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда кафедрада т.ф.д., проф. Т.М.Мавлонов, т.ф.д., проф Т.З.Султанов, ф.-м.ф.д., проф. К.С.Султанов, т.ф.д., проф. А.А.Абдувалиев, ф.-м.ф.н, доц. Қ.Хусанов, PhD, доц.Б.Ш.Юлдошев, т.ф.н., доц. Ш.Худойназаров, ф.-м.ф.н., доц. А.Н.Ишматов, ф.-м.ф.н., доц. С.Абдукадиров, к.ўқ. Б.Уринов, к.ўқ. Э.Тошматов, асс. А.Нўъмонов, асс. Қ.Тўражонов, асс. С.Хамидов, асс. И.Ҳазратқуловлар бакалавр ва магистрларни тайёрлашда фаол меҳнат қилиб келишмоқда. Кафедра ходимлари томонидан охириги йилларда 150 дан ортиқ илмий ишлар, шулардан 7 таси монография, 15 таси дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда 25 тадан кўпроқ авторлик гувоҳномалари олинган. Чоп қилинган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг 6 таси Қозоғистон Республикасида қозоқ тилига таржима қилинган. Олиб борилган илмий иш натижалари бўйича охириги 5 йилда 25 дан ортиқ илмий мақолалар чет элларда (АҚШ, Япония, Сингапур, Италия, Австрия, Вьетнам, Бразилия, Португалия, Хорватия, Сербия, Россия, Украина давлатларида) импакт факторлик журналларда ва Скопус рўйхатига кирган конференция материалларида инглиз тилида чоп қилинган. Ишлаб чиқилган илмий ишланмалар чоп қилинган дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритилган. 2011 йилда чоп қилинган “Материаллар қаршилиги” фанидан дарслик, 2012 йилда чоп қилинган “Назарий механика” фанидан ўқув қўлланма ва 2014 йилда чоп қилинган “Иншоотлар зилзилабардошлиги” фанидан ўқув қўлланмалари Республикамизда энг яхши дарслик ва ўқув қўлланма деб тан олинган.

---

Гидротехника қурилиши факультети    Ўқитиладиган фанлар    Илмий ишлар    Тадқиқотчилар    Ҳамкорлар    Кафедра ходимлари    Тўғараклар    Дарс жадвали    Алоқалар